O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
20 февраль
ЧОРШАНБА

№ 14
(12.025)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

«Ташаббус – 2008»

## МУНОСИБЛАР – ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА

**МАМЛАКАТИМИЗДА Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус» кўрик-танлови анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Ўртачирчиқ тумани ҳокимлигида танловнинг туман босқичи ўзига хос кўтаринки руҳда ўтди. Унда қатнашган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, ҳунармандлар ҳамда фермерлар «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ҳамда «Энг яхши ҳунарманд» номини олиш учун баҳсга киришдилар.**

Кўргазмага фермерлар ўзлари етиштиришган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб келишган бўлишса, ҳунармандлар миллий кийимлар, кулолчилик ашёлари, болалар ўйинчоқлари намуналарини намойиш этишди. Ўз навбатида тадбиркорлар ҳам олиб бораётган фаолият йўналишлари, орттирган маҳорат ва тажрибалари билан ўзаро ўртоқлашишди.

Якуний натижаларга кўра, «Мунис-Мадинабону» фермер хўжалиги раҳбари Муқаддас Ҳолиқова «Энг яхши фермер» сифатида эътироф этилди.

Ҳунарманд Матлуба Исоқова ўз йўналишида ғолиб деб топилди. «Энг яхши тадбиркор» номинациясида эса «Тонг» масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Саидолим Тўраев биринчи ўринни қўлга киритди.

Энди ғолиблар танловнинг вилоят босқичида қатнашишади.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** танловдан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**








Вилоят фаоллари йиғилиши

## ИЖРО ИНТИЗОМИ – МУҚАДДАС

**ВИЛОЯТ фаолларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг ишида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ ва котибиятлар, бошқармалар, суд-ҳуқуқ идоралари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, йирик корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этишди.**

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2007 йилги якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган йўл-йўриқлар нуқтаи назаридан муҳокама қилинди. Бу ҳақда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзовнинг маърузаси тингланди. Ўтган йили ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари амалга оширилганлиги оқибатида бир қатор соҳаларда муайян ўсишга эришилганлиги кўрсатиб ўтилди. Чунончи, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 15,1 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 2,4 фоизга ошди. Бугунги кунда ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 35,5, хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳиссаси 29,5, кичик бизнеснинг ҳиссаси 41,8 фоизни ташкил этмоқда. Экспортнинг ўсиш суръати 42,9 фоиз ошди.

Қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришларга эришилди. Чунончи, ўтган йили етиштирилган 275 минг тонна пахта ҳосилининг 97 фоизи, 458,6 минг тонна ғалла ҳосилининг 94,6 фоизи фермер хўжаликларининг ҳиссасига тўғри келди.

Лекин йиғилиш асосий эътиборни вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини амалга ошириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифаларининг бажарилиши жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлар, уларни бартараф этиш масалаларига қаратди. Чунончи, ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, тўла қувват билан ишламаётган корхоналарни модернизациялаш, янги замонавий технологияларга ўтиш асосида ўсиш суръатларини ошириш ниҳоятда долзарб тус олмоқда. Шу боис ҳар бир шаҳар, ҳар бир туман, ҳар бир корхона мавжуд имконият ва қувватлардан тўлиқ фойдаланишнинг аниқ ва пишиқ-пухта дастурларини ишлаб чиқиши ва изчил амалга ошириши керак бўлади. Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Оҳангарон, Бекобод ва Чиноз туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши ҳамон сустлигича қолмоқда. Қишлоқларда, айниқса чекка жойларда кичик-кичик корхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини, касаначиликни ривожлантириш иш ўринларини кенгайтириш ва аҳолини бандлик даражасини кўтаришнинг асосий шартидир. Сифатли ва рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шарти эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бир қатор шаҳар ва туманларда хусусийлаштиришга ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг барқарор ишлашига етарли эътибор берилмаётир. Бу борада Бекобод, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Қибрай ва Тошкент туманларида қолоқлик юз бермоқда.

Фаоллар йиғилишида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг 2008 йилги режалари, муҳим ва истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш, вилоятдаги мавжуд катта салоҳият ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш масалалари хусусида атрофлича фикр юритилди. Чунончи, бу йил умумий қиймати 245 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи 54 та лойиҳани амалга ошириш, ўзлаштирилган инвестициялар хажмини ўтган йилги даражадан 2 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. 1200 тага яқин хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этиб, 12 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очиш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалигини техника билан тўлароқ таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, аҳолига тиббий, маданий-маърифий хизматлар ҳажми ва қамровини кенгайтириш, сифатини яхшилашнинг мақсадли дастурлари амалга оширилади.

Табиийки, белгиланган вазифалар бошқарувнинг барча бўғинларида амалий ишларни жонлантиришни, ҳар бир раҳбар ва мутахассис ўз иш ва хизмат жойида алоҳида жонбозлик ва ташаббус кўрсатишини, ижро интизомини мустаҳкамлашни тақозо этади. Фаоллар йиғилишида айни шу жиҳатлар диққат марказида турди, барча масалалар хусусида талабчанлик мезонлари асосида фикр юритилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Йиғилиш тегишли қарорлар қабул қилди.

Вилоят ҳокимлигида

## НАВРЎЗ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

**УМУМХАЛҚ байрами – Наврўзни кенг нишонлаш мустақиллик йилларида ажойиб анъанага айланди. Вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилишда унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов бошқарди.**

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик бўлим ва бошқармалари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш режаси, ташкилий ва ижодий гуруҳларнинг таркиблари тасдиқланди. Ҳар бир бўлим ва бошқарма, жамоат ташкилотлари, шаҳар ва туман ҳокимликларининг байрамни пухта тайёргарлик билан ўтказиш, хайрия ишларини амалга оширишга доир вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашининг раиси Эркин Боқибоев иштирок этди.

Қарор ва ижро

## ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

***шунчаки чора-тадбир бўлмай, бундан кутилган пировард мақсад мамлакат халқ хўжалигининг барча соҳаларида бозор иқтисодиёти муносабатларини мукаммал қарор топтириш орқали давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва халқ турмуш фаровонлигини оширишдир***

Мустақиллик йилларида бутун республикада бўлганидек, бизнинг вилоятда ҳам демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида салмоқли натижаларга эришилди. Таъкидлаш жоизки, бу хайрли саъй-ҳаракатлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш тўғрисида»ги Қарори дастуриламал вазифасини ўтади.

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Элмурод Қурбонов билан давлатимиз раҳбари Қарорининг 2007 йилги ижроси якунлари хусусида суҳбатлашди.

**– Элмурод Чўлиевич, суҳбатимиз аввалида Юртбошимиз Қарорининг асосий мақсад ва мазмун-моҳияти ҳақида изоҳ бериб ўтсангиз.**

– Ер юзидаги кучли тараққий этган ва жадал ривожланиш йўлига кирган ўнлаб давлатларнинг тажрибаларидан маълумки, халқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча жабҳаларида бозор муносабатларини тўлиқ жорий этмай, иқтисодиётни эркинлаштирмай туриб, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди. Ҳақиқий бозор муносабатлари ва том маънодаги эркин иқтисодиёт эса, халқ хўжалиги ишлаб чиқариши турли шаклдаги мулкчиликка асосланиши шартини айни зарурат тарзида кун тартибига қўяди.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Қарори айнан шу муҳим ва зарурий вазифани тўғри ва оқилона ҳал этишга қаратилган десак, хато қилмаймиз. Зеро, унда хусусийлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлган корхоналар ва бошқа қатор объектлар рўйхати тасдиқланган. Иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, хусусий секторни кенг кўламда ривожлантиришни таъминлаш, унинг хўжалик юритувчи субъектлар устав жамғармаларидаги улушини кўпайтириш ва инвестицияларни жалб этишга қизиқтириш хусусиятини оширишга қаратилган муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилган.

**– Ушбу Қарорнинг ижросига боғлиқ асосий масъулият, табиийки, Давлат мулки қўмитаси зиммасига тушади. Ҳудудий бошқарма бу вазифани бажаришга қандай киришди?**

– Қарор эълон қилиниши билан биз вилоят ҳокимлигининг узвий ҳамкорлигида махсус режа-жадвал ишлаб чиқдик. Вилоят ҳокими ҳамда республика Давлат мулки қўмитаси раиси томонидан тасдиқланган ушбу режа-жадвалда хусусийлаштирилиши лозим бўлган корхона, объект ва активларни баҳолаш, савдога қўйиш ва сотиш тартиблари белгиланган.

Бу вазифаларнинг устуворлигини таъкидлар эканмиз, биз иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жўшқин ривожлантиришни назарда тутамиз. Бунинг учун барча имкониятлар – моддий ва молиявий ресурсларимиз сафарбар этилиши, чет эл сармоялари жалб қилиниши лозим.

Агар илгари кўпқиррали иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида иложи борича кўпроқ объектларни сотиш вазифаси қўйилган бўлса, энди асосий эътибор хусусийлаштирилган корхоналарда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишга, хусусийлаштириш жараёнларига саноатчи инвесторларни жалб этишга қаратилмоқда. Кўрилаётган бундай амалий чора-тадбирлар пировард натижада ички бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириш, тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини кучайтиришни таъминлайди.

(Давоми 2-бетда).

Газета ва газетхон



## МАТБУОТ – КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗ БЎЛАГИ

***дейишади «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг Ангрендаги мухлислари***

Дарҳақиқат, инсоният оламини янгиликларсиз тасаввур қилиш қийин. Шу боисдан матбуот кундалик ҳаётимизда дунёвий хабарлар ва янгиликлар элчиси сифатида муҳим восита ҳисобланади. Буни чуқур ҳис қилган ангренликлар 2008 йил обуна мавсумига жиддий муносабатда бўлдилар.

– Вақтли нашрларга обуна янги йилда ҳам давом этмоқда, – дейди шаҳар почта-алоқа бўлими ходими Маҳбуба Қўзиева. – Биз эса ҳамиша абонентлар хизматидамиз. Айниқса, бу ерда кекса ёшдагилар учун қулай шароитлар яратилган. Бўлимга келиш имконияти бўлмаган ёлғиз қариялар телефон орқали бизга буюртма беришади. Уларнинг талаб ва истакларини ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиламиз.

– Жамоамизда меҳнат қилаётган ходимларнинг 85 фоизи вилоят газеталарига обуна бўлишган, – дейди шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори Адҳам Йўлдошев. – Чунки кундалик нашрлар инсон саломатлигини муҳофаза қилишга оид туркум мақолаларни ҳам ўқувчиларга етказиб беради. Бир сўз билан айтганда, "Тошкент ҳақиқати" аҳоли ўртасидаги тарғибот ишларимизда бизнинг яқин кўмакчимиз ҳисобланади.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА:** шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори А. Йўлдошев ходимлар билан кундалик нашрларнинг янги сонларини кўздан кечиришмоқда.

Қарор ва ижро

# ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

**– Қарор ижросига қаратилган режа-жадвалдаги устувор вазифалардан қайсилари алоҳида таъкидлашга арзийди?**

– Умуман олганда, вилоят бўйича давлат мулки бўлган 219 та объектни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш режалаштирилган. Амалда уларнинг қиймати баҳолаб бўлинди, савдога қўйилди ва бир қисми сотилди.

Юқоридаги Қарорнинг 1-иловасига мувофиқ давлат мулки бўлган 157 та объектни очиқ савдода хусусий мулк қилиб сотиш кўзда тутилган. Уларнинг кўпи ижтимоий-маданий ва хизмат кўрсатиш объектларидир.

2-иловага иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига мансуб 46 та корхона киритилган. Улардаги давлат активлари, ҳатто, контрол активларигача Давлат тендер комиссияси томонидан кейинчалик ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан инвестициявий мажбуриятлар олиш шарти билан инвесторларга сотилади.

Узоқ вақтдан буён ишламаётган, самарасиз ва қурилиши тугалланмаган объектларга тааллуқли 3-иловага мувофиқ 16 та корхона ва объект тўлиқ молиялаштириш, қайта тиклаш ва фаолиятини кенгайтириш мажбуриятини олишга тайёр бўлган инвесторларга нуль харид нархида сотилиши мўлжалланган.

**– Мамлакат Президенти Қарорини вақтида ва бекаму кўст бажариш олдиндан пухта ўйланган ташкилий-техник тайёргарликни талаб этади, шундай эмасми?**

– Тўғри. Биз шунинг учун ҳам аввал бошдан ташкилий-техник тайёргарлик билан боғлиқ ишларга жиддий эътибор қаратдик. Натижада барча корхоналарнинг ҳужжатлари пакети ўз вақтида тайёрланди ва кўриб чиқиш учун танлов комиссиясига тақдим этилди. Уларнинг 6 таси юзасидан танлов савдолари ўтказиладиган кунлар белгиланди. Бу корхоналарнинг сотилиши паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни сотиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ижобий ҳал этиш имконини беради.

Тадбиркорларнинг кўпчилиги уюштирилаётган савдоларга катта қизиқиш

(Давоми. Боши 1-бетда).

билдирдилар. Инвесторлар учун яратилаётган имтиёз ва кафолатлар ҳам уларнинг бундай қизиқишларига туртки берди. Шунингдек, корхоналарнинг раҳбарлари ҳамда салоҳиятли инвесторлар учун доимий маслаҳатлар уюштириб турилгани ҳам ўз самарасини берди.

**– Қарорда белгиланган вазифаларнинг жиддийлиги, кўлами кенглиги, жараёнларнинг мураккаблиги ўз-ўзидан маҳаллий тадбиркорлардан ташқари чет эллик инвесторларнинг кенг доирасини жалб қилишни тақозо этса керак, албатта?**

– Шундай. Бусиз мақсадга тез ва осон эришиш қийин. Ҳудудий бошқармамиз вилоят ҳокимлиги ҳамда республика Давлат мулки қўмитасининг доимий ёрдамида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун кўплаб салоҳиятли чет эл инвесторларини вилоятимизда кечаётган хусусийлаштириш жараёнларига фаол жалб этиш мақсадида бир қатор амалий чораларни кўрди.

Қулай инвестицион вазият яратилгани боис вилоят ҳудудий бошқармамиз томонидан ўтган 4 йил ичида инвестицион мажбурият қабул қилган ҳолда нуль қиймат нархида сотиб олиш шарти бўйича хусусийлаштирилган корхоналар объектлари ва акциялари пакетини сотиш жараёнида инвесторлар билан 6,9 миллиард сўмлик шартномалар тузилди. Таъкидлаш жоизки, бундан ташқари корхона ва объектлар давлат томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлов бўйича пулсиз қарзлар ҳамда уларга ҳисоблаб ёзилган пения ва жарималарни кечган ҳолда нуль харид қийматида сотилмоқда. Акциялар пакети ҳамда технологик ускуналарни сотиб олиш инвестицион мажбурият сифатида даромад ҳисобланмайди ва шу боис корхона солиқ ҳамда бож тўловларидан озод қилинади. Бу ўз навбатида катта имконият бўлиб, истиқболсиз корхоналарни хусусийлаштиришни тезлаштиришга ёрдам беради, шунингдек, инвесторларнинг қизиқишларини кучайтиради.

**– Фикрингизнинг далили сифатида жойлардан аниқ мисоллар келтириш мумкинми?**

– Албатта. Кўрилган амалий чоралар туфайли ўтган йили 108 та объект хусусийлаштирилди. Шулардан режа-жадвалга киритилган 43 та давлат актив (корхона, объект, улуш, пай, акция пакети)лари сотилиб, режа бўйича топшириқ 119 фоиз бажарилди.

Ўтган йили 34 та давлат активлари қўшимча инвестиция киритиш шарти билан сотилди. Киритиладиган инвестициялар эса, 86,3 миллион АҚШ доллари ҳамда 6 миллиард 485 миллион сўмни ташкил этди. Давлат мулкини сотиш бўйича хорижий ва маҳаллий инвесторлар билан тузилган шартномаларнинг умумий қиймати 13,8 миллиард сўм ва 43,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

Муҳими шундаки, хусусийлаштириш чора-тадбирлари иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш имконини берди. Саноат корхоналари ва ижтимоий соҳа объектлари янги эгалари қўлига ўтмоқда. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан 5,3 миллиард сўм маблағ тушди.

Иқтисодчиларнинг таъкидлашларига кўра бизнинг тадбиркорларимиз 2007 йилда ўз маблағларини кўпроқ хусусийлаштирилаётган «катта иқтисодиёт» объектларига киритдилар. Масалан, инвестор В. Қодиров Ангрендаги «Резинотехника» акциядорлик жамиятининг узоқ вақтдан буён ишламаётган «Маданият уйи»ни нуль харид қийматида 75 миллион сўмга сотиб олди. 80 миллион сўмдан зиёд маблағ киритиб, бу ерда тикув, кир ювиш, кимёвий тозалаш цехлари ва сартарошхона очди. Аҳоли ушбу хизмат турларига муҳтож эди. Қолаверса, 30 киши ишли бўлди.

Яна бир мисол. Қибрай тумани инвесторлари Ш. Рашидов номидаги акциядорлик жамиятининг 48,6 фоизли акциялар пакетини сотиб олишди. 2 миллион АҚШ доллари миқдорида киритилган маблағ ҳисобига паррандачилик фабрикаларида Италияда ишлаб чиқарилган 6 та замонавий ускуналар жамламаси ўрнатилгач, тайёр маҳсулот кескин кўпайди. Энди аҳолига кунига 400 минг донадан зиёд тухум етказиб берилаяпти. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ўз фаолиятини деярли тўхтатган фабрика қайта жонлангач, 500 киши муқим иш ўрнига эга бўлди. Бундай мисолларни давом эттириш мумкин.

**– 2007 йилда ҳудудий бошқарма томонидан амалга оширилган тадбирлардан қайсиларини алоҳида таъкидлашни истардингиз?**

– Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг ҳаммаси ҳам жуда муҳим. Зеро, улар ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, вилоят иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашга ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

Фақат шуни таъкидлашни истардимки, сотиб олинган объект ва акцияларнинг кўпроқ қисми чет эл инвесторлари улушига тўғри келмоқда. Асосий инвесторларимиз Германия, Россия, Хитой, Туркия, Испания, Корея, Франция, Ҳиндистон вакилларидир.

Ҳудудий бошқармамиз вилоятда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш дастурига киритилган тадбирларни бозор инфратузилмалари бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга ошира бориб, асосий эътиборни чет эл инвестициясини жалб этишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рағбатлантиришга қаратмоқда. Бунда акциядорлик жамиятларига устуворлик берилаётир. Яқин уч йил ичида асосан базавий ҳамда ижтимоий муҳим тармоқларга қарашли корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади.

Ноишлаб чиқариш соҳалари объектлари ҳам дастурдан ўрин олган. Уларда амалга ошириладиган ислоҳотлар кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, сарф-харажатларни камайтириш ва рентабелликни оширишга қаратилади.

**– Одатда иқтисодий ночор, паст рентабелли корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилади. Бундан мақсад уларнинг фаолиятини жонлаштириш, иқтисодий салоҳиятини тиклаш ва мустаҳкамлашдан иборат...**

– Ҳудудий бошқармамиз фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳам айнан шу масала, яъни хусусийлаштирилган корхоналарнинг ўз фаолиятини янада кенгайтириши ва самарали ишлашини таъминлашга қаратилган. Бунга эришиш учун биз маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, бозор инфратузилмалари корхоналари билан яқин алоқада иш олиб бормоқдамиз. Тадбиркорлар, инвесторлар, акциядорлик жамиятлари ва хусусийлаштирилган корхоналар раҳбарлари билан бевосита жойларга чиқиб, маслаҳатлашиб туриш ва ёрдам бериш тажрибасини изчил давом эттирамиз.

Яхши тушунамизки, иқтисодий ислоҳотларни кенгайтириш ва янада чуқурлаштириш ижро интизомини мустаҳкамлашни, бутун ҳудудий бошқармамиз аппарати фаолиятини оқилона ташкил этишни, ҳар бир ходимимизнинг касб маҳорати ва зиммасидаги вазифасига нисбатан шахсий масъулиятини ошириб боришни талаб қилади. Зеро, 2007 йилда эришилган ютуқлар ҳақида гапирар эканмиз, олдимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш юзасидан катта ва масъулиятли вазифалар турганлигини ҳам яхши англаймиз. Бошқармамиз ходимлари, шунингдек, бозор инфратузилмалари бўлимлари олдида турган муҳим вазифа давлатимиз раҳбарининг «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш тўғрисида»ги Қарорида белгилаб берилган вазифаларни тўлиқ бажариш ва иқтисодиётнинг барча йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган режаларнинг ижросини таъминлашдан иборатдир.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

2008 йил – Ёшлар йили

# БУГУНГИ ТАЛАБА ЭРТАНГИ МУРАББИЙ

**МАМЛАКАТИМИЗ халқ таълими тизимини малакали мутахассислар билан таъминлашда Ангрендаги вилоят давлат педагогика институтининг муносиб ўрни бор. Таъкидлаш жоизки, юртимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган чуқур ва изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугун бу олий ўқув даргоҳининг қиёфасидан тортиб, унда талабалар учун яратилган шарт-шароитлар батамом янгича мазмун-моҳият касб этаётир.**

Эндиликда ўқув юртининг мамлакатимиз олий таълим муассасалари ўртасидаги нуфузи ҳам юксалиб, таҳсилни айнан шу муассасада давом эттириш истагида бўлган ёшлар кўпайиб бормоқда. Шуни айтиш кифояки, айни вақтда кундузги бўлим талабалари 4600 нафарга етди. Бу аввалги йиллардагига нисбатан қарийб икки баравар кўп демакдир. Шу билан бирга институтда 8 та йўналиш бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Албатта, ҳар қандай билим даргоҳида берилаётган таълим сифати ва самарадорлиги бевосита профессор-ўқитувчиларнинг тажриба ва малакаси, тафаккур доирасининг нечоғлик кенглигига боғлиқдир. Шу маънода институт профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини юксалтириш бўйича ҳам талай тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2005-2006 ўқув йилида республиканинг турли олий ўқув муассасаларидан 25 нафар олим ишга жалб қилинган бўлса, ўтган ўқув йилида жамоага яна 10 нафар малакали мутахассис қўшилди. Улар ҳозир ўқув машғулотларини олиб бориш билан бирга магистрлик диссертацияларига, турфа тадқиқот ишларига илмий раҳбарлик қилишмоқда. Натижада кейинги 2 йил ичида улар битта докторлик, 9 та номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишди. Яна 5 нафар ўқитувчи доцент илмий даражасини олди. Умуман, шу давр ичида институт илмий кенгашида 83 та номзодлик ва 14 та докторлик диссертациялари мавзулари тасдиқланди.

Талабаларни давлат таълим андозалари талаблари асосида ўқитиш мақсадида институтнинг ахборот ресурс маркази янги ўқув-услубий адабиётлар билан мунтазам таъминланмоқда. Ўқув режаларидаги барча фанлар бўйича маърузалар шу ернинг ўзида етарли нусхада чоп этилиб, тарқатилаётир. Шунингдек, 17 миллион сўмликдан зиёд илмий-оммабоп рисолалар харид қилинди. Турфа фанлар бўйича электрон дарсликлар сони ҳам кескин ошди. Айтайлик, 2005-2006 ўқув йилига қадар институтдаги электрон дарсликлар 52 та бўлса, ҳозирги кунда улар 550 тага етди.

Талабалар давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини назорат қилувчи автоматлаштирилган «UNICOS» тизимининг жорий этилганлиги, айниқса, самарали бўлди. Бу тизим ёрдамида ўқув жараёнларининг тўлиқ таҳлили юритилмоқда. Умуман, кейинги 2 йил мобайнида талабалар давомати 88 фоиздан 95 фоизга кўтарилди.

Кейинги вақтларда институтда талабаларни оммавий спортга кенгроқ жалб этиш мақсадида жисмоний тарбия дарслари ва махсус спорт секциялари фаолиятига эътибор кучайди. Натижада, ўқув юрти талабалари ўз саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида, турли нуфузли мусобақаларнинг фаол иштирокчисига айланмоқдалар. Ўтган уч йил ичида талабалардан 132 нафари республика, МДҲ ва Осиё миқёсидаги спорт мусобақаларида қатнашиб, вилоятимиз, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. 2007 йили пойтахтда бўлиб ўтган «Универсиада» спорт мусобақаларида вилоят жамоасидан ўрин олган институт талабалари 4 та олтин, 2 та кумуш ва 6 та бронза медалини қўлга киритдилар. Ҳозир бу ерда 7 та спорт тўгараги мунтазам фаолият юритиб, қарийб 2000 нафар ёшларни ўзига жалб этган. Иккита ёпиқ спорт зали мукаммал таъмирдан чиқарилиб, талабалар ихтиёрига берилди.

Дарвоқе, институтдаги спортсевар ёшлар учун яна бир туҳфа ҳозирланди. Гап шундаки, ўтган йили Ангрен шаҳар ҳокимлигига қарашли «Кимёгар» ўйингоҳи ва «Дельфин» сузиш ҳавзаси институт тасарруфига ўтказиб берилди. Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик жараёнларида бу иншоотларнинг сантехника ва электрон-иситиш тизимлари кўрикдан ўтказилиб, таъмирланди. Шаҳар ҳокимлиги бошчилигида мазкур спорт иншоотларини таъмирлаш ҳам режалаштирилган.

Донишмандлар «Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши лозим» дейишади. Бинобарин, бу ерда эртанги ёш авлодни тўғри йўлга бошловчи, саводини чиқарувчи, минглаб кўнгилларга илму маърифат улашувчи зиёлилар камол топадилар. Институтда асосий эътибор уларнинг муносиб билим ва малака эгаллашларига қаратилган.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

# ЭҲТИРОМ

**ТОШКЕНТ давлат аграр университетида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.**

Унда профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг шоир асарларида ёшлар образи, Навоийнинг ахлоқий-таълимий қарашлари, илмий-бадиий меросининг замонавийлиги ҳақида маърузалари тингланди.

Кечада ўқитувчилар, ёш санъаткорлар, талабалар ижросида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлардан парчалар намойиш этилди, ғазаллардан намуналар ўқилди. Шоир ва мутафаккир ғазаллари асосида яратилган куй-қўшиқлар янгради.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Назорат

# ҒИРРОМНИНГ МИСИ ЧИҚАДИ

**КЕЙИНГИ йиллар бутун дунёда ёқилғи-энергетика ашёлари қаторида нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган талаб мунтазам ошиб бормоқда. Хусусан, мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ривожланишида ҳам «қора олтин»нинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Айни ҳол бу қимматбаҳо бойликдан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этади.**

Вилоятдаги корхона ва ташкилотларда нефть маҳсулотларининг ишлатилиши, сақланиши ва тарқатилиши ҳамда ҳисоб-китобининг юритилишини «Ўздавнефтгазинспекция»нинг вилоят бўлими мунтазам назорат қилиб келмоқда. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг вилоят ҳудудий комиссияси тасдиқлаган режа асосида ҳамда юқори идораларнинг махсус кўрсатмаларига асосан ўтган 2007 йил мобайнида жами 83 та текшириш ўтказилди.

Натижада ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини тасарруф этишга хўжасизларча ёндошилаётган ҳолатлар ҳам аниқланди. Таҳлилларда бундай ашёларни меъёрдан ортиқча ишлатиш, бажарилмаган ишларни ва босиб ўтилмаган йўлларни қўшиб ёзиш орқали ёқилғини ҳисобдан чиқариш ҳоллари, нефть маҳсулотлари билан боғлиқ камомад, шунингдек, уни иқтисод қилишда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани ойдинлашди.

Рейдларда нефть маҳсулотларининг 27,468 тоннадан зиёд иқтисод манбаи аниқланди. 7 та корхонада 4510.9 минг сўмлик 13,3 тонна нефть маҳсулоти турли қинғир йўллар билан ҳисобдан чиқарилган. Яна 7 та ташкилотда 2,3 тоннадан зиёд ёқилғи меъёридан ортиқ сарфланган.

«Анком+2» фирмаси ва Шароф Рашидов номли паррандачилик фабрикасида дуч келинган ҳолат янада ажабланарли. Бу ерда 24,4 тонна автобензиннинг сифати бузилганлиги маълум бўлди.

Бундан жиддий камчиликларга йўл қўйган корхоналардан 9 таси прокуратура органлари, 36 таси эса солиқ инспекцияларига тегишли тартибда чора кўриш учун тақдим этилди. Бу каби мамлакат иқтисодига зарар етказган 34 та корхона ва хўжаликларга жами 68 миллион 863 минг сўмлик жарима жазоси қўлланилди.

Шу кунгача унинг аксарият қисми ундириб олинди.

Афсуски, бундай қинғирликлар автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларида ҳамон давом этаётир. Хусусий тартибда фаолият юритаётган 34 та АЁҚШда махсус рейдлар ташкил этилиб, аниқланган нуқсонлар юзасидан далолатномалар расмийлаштирилди.

Шунингдек, вилоят прокуратурасининг масъул ходимлари билан ҳамкорликда «Чинобод», «Пахта», «Кучлук» нефть базалари тизимидаги 200 дан зиёд АЁҚШ ва 107 та ФЁҚШ раҳбарлари иштирокида ёқилғи четга чиқиб кетишининг олдини олиш ва меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган бошқа талабларнинг бекаму кўст бажарилиши юзасидан учрашувлар ташкил этилди. Мазкур тадбирлар доирасида 14 та шахобчада мониторинг ўтказилди, аниқланган камчиликлар туфайли улардан 10 тасининг лицензияси вақтинча бекор қилинди.

**Жамол САЛИМОВ, «Ўздавнефтгазназорат» инспекцияси вилоят бўлимининг етакчи мутахассиси.**

# БИЛИМЛИ ЁШЛАР – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

**МАЪЛУМКИ, бугунги глобаллашув ва экологик таҳдидлар даврида ҳар бир давлатнинг истиқболи бевосита мамлакат ёшларининг салоҳияти билан белгиланади.**

2008 йил «Ёшлар йили» деб эълон қилингани муносабати билан «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўзаро ҳамкорликда «Мамлакат модернизацияси – иқтисодий юксалиш ва ижтимоий-экологик барқарорликка эришиш йўли» шиори остида ёшлар экофорумини ташкил этди.

Унда ёшларнинг фундаментал ва амалий билимларини ошириш, интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, инновацион тараққиёт ҳамда менежментни ривожлантириш масалалари муҳокама қилиниб, керакли тавсиялар қабул қилинди. Тадбир доирасида ёш мутахассис ва олимларнинг илмий ишлари ва лойиҳалари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Экофорум натижаларига кўра «Ёшлар – Ўзбекистоннинг стратегик ресурси» шиори остида «Ёшларнинг маънавий-маърифий маданиятини ва рақобатбардошлигини ривожлантириш концепцияси» ишлаб чиқилди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**





# «САҲНА ТЕРАПИЯСИ»

***ёки вилоят ўсма касалликлари диспансерининг намунали ишлари хусусида***

«Эл соғлиғи – юрт бойлиги» дейдилар. Шу боис мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётир. Буни вилоят ўсма касалликлари шифохонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шифохона 1926 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ерда инсон танасида учрайдиган турли ўсма касалликлар муваффақиятли даволанмоқда. Бунинг учун онкология соҳасининг жарроҳлик, нур ҳамда кимё терапияси каби даволаш усулларидан самарали фойдаланилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Ҳозир бу ерда 5 нафар фан доктори, 12 фан номзоди, 56 нафар малакали шифокор ҳамда 130 дан зиёд қўли енгил ҳамширалар беморлар дардига дармон бўлмоқдалар.

– Вилоят ҳокимининг махсус фармойиши асосида диспансеримиздаги 3 та ионли нур тарқатувчи ускуналарнинг радиоактив манбаларини янгилаш масаласи ўртага ташланди, – дейди бош шифокор, тиббиёт фанлари доктори Абдулла Абдуҳакимов. – Бунинг учун Москва шаҳридан радиолог мутахассисларни чақириш кўзда тутилмоқда. Ушбу лойиҳа амалга ошгач, беморларнинг нур терапияси муолажаларини олишлари учун ҳозирдагидек 30-40 дақиқа эмас, 3-4 дақиқа вақт кифоя бўлади. Кўринадики, бу нур терапиясининг самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилади.

Шифохонада алоҳида таъкидласа арзийдиган янгиликлар талайгина. Хавфли ўсма касалликлар билан оғриган беморлар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар киритилган «канцер регистр» электрон базасининг яратилганлиги айни муддао бўляпти. Бу базада вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги 7800 беморга тааллуқли шахсий маълумотлар, касаллик тарихи, ташҳиси, босқичлари, касалланиш санаси каби маълумотлар жамланган. Бундай кўринишдаги электрон маълумотлар доимий кўрикка муҳтож беморларни ўз вақтида сифатли ва самарали кўрикдан ўтказиш, даволаш тизимини ташкил этиш ҳамда прогноз кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ҳозир шифохонада 12 та бўлим мавжуд. Торако-обдаминал жарроҳлик ва комбинациялашган даволаш усулларини қўллаш бўлимларининг ташкил этилганига эса ҳали кўп бўлгани йўқ.

– Айнан мана шу иккита янги бўлимнинг очилганлиги республика миқёсида янгилик бўлди, – дейди бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Иззатилла Тўхтаматов. – Шу кунгача тиббиётимизда кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи соҳасидаги ўсма касалликлар жарроҳлигида тор доирадаги мутахассисликлар бўйича махсус даволаш ишларига ҳам моддий асос, ҳам техника таъминоти, ҳам кадрлар масаласи тўсқинлик қиларди. Ушбу бўлимларнинг очилиши нафақат даволаш ишларини йўлга қўйиш, балки уларнинг самарасини ошириш имкониятини беради.



Улуғбек Холтоев – олий тоифали жарроҳлардан. У фаолият юритаётган бўлимда бош ва бўйин ўсма касалликлари самарали даволанади. Бўлимга асосан юқори нафас ва овқат ҳазм қилиш йўллари ҳамда юз-жағ муаммолари бўйича мурожаат қилишади. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 20 нафар бемор даволаниши мумкин.

Шунингдек, диспансерда ижтимоий ҳимояга муҳтож беморларни маънавий-маърифий ва кўнгилочар тадбирлар орқали даволаш усулидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Куни кеча эса бундай тадбирларнинг бири Ўзбек миллий академик драма театри биносида бўлиб ўтди. Бу ерда 100 дан зиёд беморлар учун «Олтин қиз» спектакли намойиш этилди. Ёдгор Саъдиев томошабинларни айнан ушбу спектаклни кўришга таклиф этар экан, уни «саҳна терапияси» дея таърифлаб ўтди.

– Нима бўлганда ҳам аёл киши ўз соғлиғига эътиборсизлик қилмаслиги керак экан, – деди чинозлик Зарофат ая Наимова. – Мана мен рўзғор ташвишлари билан андармон бўлиб, соғлиққа қарамабман. Ана ўтиб кетади, мана ўтиб кетади деганча, умримнинг қанча йилини касалликка бош эгиб ўтказиб юборибман. Бу шифохонага келиб эса, дардимга давони фақатгина дори-дармон билан эмас, балки ширин сўз, эътибор, одамшавандалик орқали топдим, десам хато қилмайман.

– Спектаклни томоша қиляпман-у, танамдан дардим аригандек бўлди, – деди бемор Гулнора Ҳошимова. – Шифохонадагилар барака топишсин, улар бизни бир дақиқага бўлсада тушкунликка тушмай яшашга, касаллик билан курашишга, руҳан чўкмасликка ўргатишяпти. Бугунги спектакль сабаб кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

**Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

СУРАТЛАРДА: Ўзбек миллий академик драма театридаги учрашувдан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**




## «БОБУР – ЁШЛАР НИГОҲИДА»

**МИЛЛИЙ маданиятимиз тарихида алоҳида ўрин тутган ўзбек мумтоз адабиётининг улкан намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишланган тантаналардан бири Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди.**

Шаҳар маънавият-тарғибот маркази, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан уюштирилган тадбирда шаҳардаги барча касб-ҳунар коллежлари ҳамда 11-умумтаълим мактаби жамоалари фаол иштирок этди. Кечада шоир ҳаёти ва ижодига доир саҳна асарларидан парчалар қўйилди ва рубоийларидан намуналар ўқилди.

Улуғ аждодларимиз билан фахрланиш, ғурурланиш баробарида, муносиб ворис бўлиш кўникмаларини ҳосил қилишда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

**Саида РАҲМОНОВА.**

## ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

**Мир Алишер Навоий ҳақида олиму фузалолар кўп ва хўб айтишган, минглаб рисолалар, илмий ишлар, катта-катта насрий ва назмий асарлар битилган. Ёшлигимиздан бу улуғ зотнинг пурмаъно сўзларини, ҳаётий ҳикматларини ўқиб, ўргандик. Уни ғазал мулкининг султони даражасига кўтарган беҳисоб ижод намуналаридан «Хамса»ю «Чор девон», «Маҳбуб-ул қулуб»у «Мажолисун-нафоис», «Мезонул-авзон»у «Лисонут-тайр»нинг ҳаётбахш муждаларидан бохабарлик (агар шундай дейиш жоиз бўлса) кўнглимизни сарафроз айлагани ҳам ростдир.**



Аслида-чи? Шоирнинг ҳар мисраси бир асарга татигулик маъно-мазмунга эга бўлган қуйма сатрларини талаб даражасида идрок эта оламизми? Унинг ҳали гўдаклик чоғидаёқ яратган, Лутфийдек шоири давронни лол қолдирган икки мисра:

*«Оразин ёпқоч кўзимдин*
*сочилур ҳар лаҳза ёш,*
*Бўйлаким пайдо бўлур*
*юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш»*-

нинг талқинига ҳамманинг ҳам тиши ўтармикин? Нечун мавлоно Лутфий умри давомида битган ашъорларини шу икки мисра шеърга алишмоқни истаган?! Нима учун «Қоракўзим»ни тинглаган аҳли дониш сел бўлиб оқади, унинг сатрларини асрлар оша кўз қорачиғидек авайлаб, кўнгил мулкидек эъзозлаб келади?

*«Таковарингга бағир*
*қонидан хино боғла,*
*Итингга ғамзада жон*
*риштасин расан қилғил».*

Ёрнинг оти оёқларига юрак қонини хино ўрнида боғлатиш ёки жон риштасини ёрнинг ити бўйнига ўратиш учун нечоғлик ошиқлик, хоксорлик керак инсонга?! Бунчалар фидойилик, бунчалар гўзал ташбеҳ учун шоирнинг ўз ибораси билан айтганда инсонга қанчалар «нуктадонлиғ» керак?!

Дейдиларки, чин ошиқлик ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт. Аммо умрини, ижодини бутунича севган ёри – халқи, Ватанига бахшида этган бахтли ошиқ ҳақиқатан ҳам ҳаётда бахтлимиди?!

*...Ваъдаи васлинг илик*
*бергай деб ашким*
*бўлди баҳр,*
*Чунким ул дарё аро ғарқ*
*ўлдим – илгим тутмадинг.*

Ёрдан шунчалар ранж, алам кўриб, кўзёшлари дарёдек оқиб, унинг тўлқинларида ғарқ бўлса-да, қўл узатмаган ёрга яна эзгулик тилаш баробарида, ҳар қандай мушкулотга ўзни қалқон қилади:

*Кўнглим ўртансун агар*
*ғайрингга парво айласа,*
*Ҳар кўнгил ҳамким, сенинг*
*шавқунгни пайдо айласа...*

Эҳтимол, шоирнинг ўша ширин азоблари куй бўлиб, қўшиқ бўлиб, қалбларни забт этгани ҳам бахтдир.

Ёзувчи Омон Мухторнинг улуғ мутафаккир олим, беназир шоир шахсига бўлган чексиз муҳаббати, ҳаётига бўлган қизиқишининг бир зарраси сифатида яратилган ва шу қатрада Навоийдек соҳиби илм қуёшининг акси ўзгача бир талқинда ифодаланган «Навоий ва рассом Абулхайр» романидаги айрим фикрларни келтирмоқ ўринли бўлар.

«...Навоий тўғрисида юзлаб китоблар ёзилган, – дейди рассом. – Аммо кўнглим тўлмади...

*У – бир Осмон*
*У – бир Уммон*
*Қамраш қийин!*

Ўзимни тоғ этагидаги чумолидек сезмоқдаман...»

Етуклик ёшидан ўтиб қолган рассомнинг эллик йил давомидаги орзуси, изланишлари улуғ шоир сиймосини мўйқалам ёрдамида акс эттириш учун камлик қилаётгани ва охир-оқибат яна қайтадан ҳазрат Алишер Навоий ҳақидаги тасаввурларни бойитиш учун ўзидан кечиб, туну кун заҳмат чекади. Лекин, «меҳнат заҳмати қанчалар аччиғ бўлса, меваси шунчалар тотлиғ» бўлиши ҳам айни ҳақиқат. Рассом изланишлари натижаларини, ўй-хаёлларини эринмай қоғозга туширадики, ёзувчи ундан унумли фойдалана олган. Гарчи рассом чизган суратни кўрмаган чоғда ҳам ёркин таассуротга эга бўлиш мумкин. Эътиборлиси шуки, Мир Алишер Навоий ўзгачароқ талқинда кўз олдингизда намоён бўлади. Аввало, у – оддий инсон фарзанди, зиёли оиладан. Илм-маърифатга, шеъриятга ошнолик йўргакда теккан. («Қуш уясида кўрганини қилади»)

Навоийнинг бетакрорлиги шундаки, беназир ижодкорлик қобилиятига халқпарварлик, бунёдкорлик салоҳияти уйғун эди. Катта-катта қурилишлар, ободончилик ишлари билан ҳам эл меҳрини қозонади. Шунинг учун Ҳусайн уни аркони давлатдан бир қадам ҳам узоқлаштирмас, ҳар ишда Алишербекнинг маслаҳатига суяниши одатий ҳол эди. Уни «Ҳақ сўзга далер (ўктам)» дея тан олгани рост. Сарой аёнларининг фитнаси билан дўстидан узоқлашган пайтларида ҳам унинг кўмагига муҳтож бўлиб, қайтадан чақириб олар, дўстининг донолигидан ғурурланар эди.

Бир замон мамлакатда парокандалик юз бериб, ота-онасиз, қаровсиз қолган ёшлар безорилиги кучайиб кетади. Бу муаммони ҳам Алишер донолик билан ҳал қилиб, тинчлик ўрнатади. Ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор беришни қатъий талаб қилади. Айрим етим қолган ёшлар тарбиясини қариндош-уруғлари зиммасига юклайди: «Ноннинг бутуни ҳам, ушоғи ҳам нон». «Ерда туғилган ҳар бир одам боласи азиз».

Шундай қилиб, мамлакатда етим-есирлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш расмга кирди.

Ҳақиқатан ҳам ёшлар тарбияси ўта муҳим жараён. Мустақил диёримиздаги бунёдкорлик, ободончилик ишларида, Ёшлар йили дея алоҳида урғу берилган йилимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда ҳам мана шу эзгуликнинг ҳеч қачон завол билмаслигини, унинг мудом бардавомлигини кўрмоқдамиз.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## Шундан кейин

### ЮРАК БАРДОШ БЕРДИ

**Бугун биз жарроҳлар юракни кўчириб ўтказишларига ажабланмай қўйганмиз. Негаки, жаҳонда бу каби жарроҳликлар минглаб ўтказилмоқда. Шундай бўлса-да, улардан бири ҳаммани ёқа ушлашга мажбур этди.**

Сан-Диего фуқароси бўлмиш Бетти Снайт вужудига эркак юраги ўтказилгандан сўнг, у фарзанд дунёга келтирган илк аёл бўлди. Болакай соғлом туғилди. Лекин дунёга келишидан олдин ҳаммани хавотирга солиб қўйди. Гап онадаги эркак юрагида эди. Шифокорлар юрак ҳомиладорликнинг токсикозлари ва туғруқ жараёни оғирликларига дош бера олармикан деган хавотирда эдилар. Бироқ, барчани ҳайратга солиб, эркак юраги ҳамма қийинчиликларга дош берди!

### АНТИҚА ПУЛ ТОПИШ

**Бир япониялик тирикчиликнинг антиқа йўлини ўйлаб топди.**

У бойларнинг итлари ғашига тегиб, уларга ўзини тишлатиб, эгаларидан товон пули талаб қиларди. Қўлга тушганидан сўнг суд уни жамоат тартибини бузганлик, қўрқитиб пул ундирганлик, ҳайвонларни қийнаганлик ва топган даромадидан солиқ тўламаганликда айблади.

### ҲАР БИР ХАТ УЧУН 9 ЙИЛ

**Испаниянинг Пальма-де-Майорк оролида 42768 мактубни ўз эгаларига етказмаган хат ташувчи устидан суд жараёни бўлиб ўтди.**

Прокурор судланувчини 384912 йил қамоқ жазосига ҳукм қилишларини талаб қилган. Демак, эгасини топмаган ҳар бир хат учун 9 йилдан жазо белгилаш сўралган.

### ЮВИЛМАЙДИГАН КИЙИМ

**ХИТОЙ ва Австралия олимлари ўзаро ҳамкорликда ювишни талаб қилмайдиган кийим яратдилар. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бу антиқа кийим қуёш нурида ўзини тозалаш хусусиятига эга.**

Маълумотларга қараганда, кийимнинг матоси титаннинг анатазли туридан тайёрланади. Яқин кунларда кўплаб дўконларда бундай махсус матодан тайёрланган турли мавсум кийимларини сотувга қўйиш режалаштирилмоқда.

**ЎзА.**

## ОҒУЛИ ҲАЁТ – АЗОБ

**БУГУНГИ кунда дунё аҳлини ташвишга солаётган иллатлардан бири гиёҳвандликдан қанчадан-қанча оилалар азият чекмоқда. Афсуски, айрим ёшлар ҳам унинг таъсирига тушиб қолаётгани, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, ҳатто, мактаб ва лицей ўқувчи ҳамда талабалари орасида ҳам гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ҳоллари учраётгани ачинарлидир.**

Шу кунларда давом этаётган "Ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш" ойлиги доирасида маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирокида мактабларда, ўқув юртларида "Гиёҳвандлик – аср вабоси", "Оғусиз дунё сари" мавзуларида учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Ўқувчилар, талабалар учун турли викториналар ташкил этилиб, гиёҳвандликнинг оқибатлари тўғрисида саҳна чиқишлари уюштирилмоқда. Янгийўл маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, вилоят давлат педагогика институти, Ангрен кимё саноати ҳамда компьютер технологиялари, Олмалиқ саноат, тиббиёт коллежларида бундай тадбирлар, айниқса, самарали бўлди.

– Ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежи бошланғич ташкилоти етакчиси Нилуфар Пўлатова. – Ўқув йили бошидан буён кўнгилсиз ҳолат учрамагани бу каби учрашувларнинг самарасидир.

– Ҳеч бир инсон онадан гиёҳванд бўлиб туғилмайди, – дейди Янгийўл шаҳар технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи Нилуфар Номирзаева. – Буни келтириб чиқарадиган бир қатор сабаблар мавжуд. Баъзилар тўқликка шўхлик қилса, бошқаси ўзи билмаган ҳолда, алдовлар натижасида шу йўлга кириб қолади. Бунинг олдини олиш учун тарғибот-ташвиқот ва бошқа тарбиявий ишларни йўлга қўйдик. Шифокорлар, психологлар ўқувчилар билан бевосита суҳбатлар ўтказишаётир.

"Аянч ва кулфат вабоси" фильми, ички ишлар ходимларининг суҳбатлари ёшлар тарбиясига, айниқса, кучли таъсир кўрсатмоқда. Аҳолига таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ўстириш, етиштириш, сақлаш ва сотиш ҳам жиноят эканлиги тушунтирилмоқда.

Афсуски, мўмай даромад илинжида гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан шуғулланаётганлар ҳамон учраб турибди.

– Йил бошидан буён гиёҳвандлик моддалари билан ноқонуний шуғулланишга доир 5 та ҳолат аниқланди, – дейди Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи Бекзод Пўлатов. – Жумладан, Байналминал кўчасида яшовчи Зарина исмли аёл героин гиёҳвандлик моддасини сотаётган вақтда қўлга олинди. Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг ходимлари томонидан олиб борилган тадбир жараёнида Илгиз исмли йигит шприц орқали героин моддасини қабул қилаётган вақтида ушланди.

Ҳозир ушбу ҳолатлар бўйича терговлар ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.**

## Ривоят



## КУЛЧАНИНГ КАРОМАТИ

Бу ривоятни кўп йиллар бурун Бухоронинг Вобкент туманида бир оқсоқолдан эшитган эдим.

Сомонийлар давридами, қорахонийлар давридами, Бухоронинг чеккароғидаги бир қишлоқда Фазлиддин исмли йигит яшаркан. Ёшлигида отаси ўтиб кетган, онаси билан торгина ҳовлида туришар экан. Онаси қўни-қўшниларнинг кўрпа-тўшагини қавиб берар ёки урчуқ йигириб, жундан калава қилар, шу йўл билан кун кечиришар экан.

Фазлиддиннинг эса гулдек ҳунари бўлиб, у ёғоч устаси экан, у ясаган буюмлар қўлма-қўл бўлиб кетаркан. Бу орада Фазлиддиннинг шуҳрати бутпарастларнинг қулоғига етиб борди. Ўша даврларда Бухорода тарсолар, мажусийлар, бутпарастлар, яҳудийлар кўп бўлар экан. Бир куни бутпарастлардан Фазлиддинга элчи келди.

– Бизга турли ҳайвонларнинг ҳайкалчаларини ясаб берсангиз, уста, – деди элчи, – сизни рози қиламиз, ҳақингизни икки карра ошириб тўлаймиз.

Фазлиддин аввалига чўчиди. «Ғайридинларнинг санамини ясаганимни эшитса, подшо соғ қўймаса керак».

Элчи устанинг иккиланганини кўриб, ялинди:

– Қўрқманг, иним, бировга билдирмаймиз. Ясалган буюмларни кечаси шабистонда сездирмай олиб кетамиз. Йўқ деманг, жон устажон...

Фазлиддин таваккал қилди. Ахир у болаларга ҳар хил ўйинчоқлар ясаб юрибди-ку, биров кўрса, ана шу ўйинчоқларнинг бири, дейди-қўяди. Бир қарич келадиган бузоқча нусхасига фалон танга беришмоқчи. Ҳарна рўзғорга кўмак.

Йигит ғайрат билан ишга киришди. Ўн-ўн беш кунда ёғочдан анчамунча ҳайкалчаю санам тарашлаб ташлади.

Гадонинг душмани гадо, деганлари рост экан. Фазлиддинни кўздай ҳамсояси сотди. У ҳам уста, аммо ноинсофроқ, ношудроқ эди. Фазлиддиннинг омади юришиб қолгани унинг уйқусини ўчирди. Пайт пойлаб юриб, битта бутпарастни қўлга туширди. Бошига одам тўплади. Масжид имомини олиб келди. Кўплашиб подшои аъзамга арзнома битдилар.

Тонг саҳар шоҳ сарбозлари Фазлиддиннинг уйига бостириб киришди ва унинг қўлларини боғлаб, саройга ҳайдаб кетдилар.

– Мушрикларни шерик тутган сенмисан? – деди подшо унга бошдан-оёқ разм солиб.

– Йўқ, аъло ҳазрат! – деди Фазлиддин шоҳнинг кўзига тик боқиб, – алҳамдулиллоҳ, мусулмонман, ҳақ Мустафонинг умматиман.

– Эса, нечун бутпарастларга санам ясаб берасан? Бу – муслим одамга ярашгайму?!

– Мен санам эканлигини билмадим, – ёлғонлади Фазлиддин, – болаларга эрмак, деб ўйлабмен. Бир томони – тирикчилик, аъло ҳазратим.

– Сен ишқи илоҳийни унутиб, ғайридинларнинг бутига кўнгил қўйибсан, бунинг учун калланг кетади, бола!

Фазлиддиннинг жони товонига тушиб кетди. Уни дорга оссалар, онасининг аҳволи не кечади?

– Аъло ҳазрат, менинг кўксимда то абад илоҳий нур порлаб турган, тарсолар, мажусийлар менинг ҳамроҳим эмас. Мен бутларга эмас, ота касбимга кўнгил берганман. Ҳазрат пайғамбаримиз ҳам, косиблар менинг биродаримдир, деб лутф этмишлар. Осий қулингизни авф айланг, давлатпаноҳ...

Фазлиддин беихтиёр тиз чўкди. Подшо бу уста боланинг ёниқ сўзларидан таъсирланди. Косиблар хусусидаги ҳадисни ўйлаб, чимирилди.

– Зиндонга элтинг, бу нобакорни! – амр қилди подшо.

Дор ёғочини кўз олдига келтириб, беҳузур бўлиб турган Фазлиддиннинг танасига яна жон киргандек бўлди.

Зиндоннинг патнисдек кичкина туйнугидан мовий осмонга термулиб ётар экан, Фазлиддиннинг юраги қон бўлди. Кўзларида халқа-халқа ёш билан мурожаат қилди: «Марҳаматингни дариғ тутма, парвардигор, суянганим, ишонганим ўзингсан...»

Йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолди. Туш кўрибди. Тепасида бошдан-оёқ оқ либос кийган бир мўйсафид турганмиш. У Фазлиддиннинг бошини силади:

– Ғам ема, эй йигит! – деди у, – Яратган эгам мушкулингни осон қилди. Онанг келганда айт, кўкрак сутини қўшиб, кулча ёпсин, ярмини сен е, ярмини подшога едир. Мўъжизани кейин кўрасан...

Мўйсафид ғойиб бўлди. Фазлиддин, илтижоларим Яратганга етибди, деб шукрона келтирди. Онаси кўргани келганда мўйсафиднинг башоратини айтди.

– Хизр алайҳиссаломни кўрибсан, болам, – деди она. – Шунча йилдан кейин кўкрагимдан сут келармикан, ҳайронман.

– Олло бокарам, эна. Ёлғиз ўғлингизни ўртага қўйиб, бир сўраб кўрингчи, зора шафоат қилса...

Мўъжиза рўй берди. Қуриб қолган кўкракка сут келди. Кулча ҳам ёпилди. Уни қўйнига солиб, Фазлиддин қисматини кутиб ўтирди.

Ниҳоят, подшонинг ҳукми эълон қилинди: шаккок уста дорга осиладиган бўлди. Фазлиддин охирги ўтинчини айтди:

– Мени аъло ҳазрат бирла юзмаюз қилинглар. Унга айтар сўзим бор.

Ўлимга маҳкум этилган кимсанинг ўтинчи вожиб. Фазлиддин тағин шоҳ ҳузурида тикка бўлди.

– Эшитаман, қулоғим сенда, – деди подшо қовоқ уюб.

Фазлиддин қўйнидан онаси ёпган кулчани чиқарди. Уни иккига бўлди.

– Давлатпаноҳ, мана шу нонни татиб кўрсинлар, сўнгра мен дор тагига кетавераман.

Шоҳнинг кўзларидан ўт чақнади.

– Ўзинг жаҳаннамга кетганинг етмагандай, мени ҳам оёғимдан тортмоқчимисан, аблаҳ! Нонингга заҳар қўшилган бўлса-чи?

– Заҳар қўшилмаган, уни онам ёпган, ҳалол нон. Мана, аввал ўзим еб кўрсатайин.

Фазлиддин кулчани бурдалаб ея бошлади. Яримта нонни еб битирди, лекин унга зиён етмади.

– Тишланг, ҳазратим, – деди уста, – биздек маҳкумнинг сўнгги илтимосини адо этиш сиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Подшонинг иложи қолмади. У қўрқа-писа кулчани тишлади. Аста кавшашга киришди. Бир бурда егач, подшонинг кўнгли юмшади, сийнасида ловуллаб турган ғазаб ўти сўниб, ўрнини мурувват эгаллади. Подшонинг қўлидаги нонни егиси келар, ҳар луқмадан кейин дили ёришиб, кўнгли шодликка тўлиб бораётгандек эди.

Ниҳоят, иккинчи мўъжиза содир бўлди. Охирги бурдани еб битиргач, подшонинг жисми-жонида Фазлиддинга нисбатан меҳр-шафқат уйғонди. У беихтиёр тахтдан тушиб, Фазлиддиннинг олдига келди. Уни қучоқлаб, йиғлаб юборди:

– Укажоним, мен гумроҳ акангни кечир. Ахир биз оға-инимиз-ку, жоним! Шу пайтгача танимай, сенга зулм қилиб келибман. Кечир...

Подшо Фазлиддинни туғишган инисидек эъзозлаб, бир умр ёнида олиб қолди.

Она сутига қорилган кулча ноннинг каромати ана шундай намоён бўлган экан.

**Сайфи СОДИҚ.**

## Кулганга нима етсин

*Аптекадан чиққан одамнинг орқасидан аптекачи етиб олиб, деди:*
*– Ҳой биродар! Ҳозир глюконат кальций олдингиз-а! Дарров қайтаринг.*
*– Нега?*
*– Адашиб сизга цианит калий берибман.*
*– Мен уни ичиб қўйдим-ку!*
*– Бўлмаса кассага 160 сўм қўшимча тўланг.*

* * *

*Аёл электромонтёрга қўнғироқ қилди:*
*– Мен сиздан кеча келиб эшикдаги қўнғироқни тузатиб беришингизни сўровдим.*
*– Мен кеча бордим. Роса қўнғироқ тугмасини босдим. Ҳеч ким очмади. Қайтиб кетдим.*



## ЧАЛАВОЙ

**(Ҳажвия)**

Жумавойга салобатдан ҳам, важоҳатдан ҳам берган. Турса бир ярим, ўтирса икки кишининг жойини эгаллайди. Ўзининг гапига қараганда, ундан от у ёқда турсин, ҳатто, машина ҳам ҳуркармиш: киракаш шофёрлар уни ҳеч олишмасмиш, машина ғилдирагини аяшармиш.

Тақдир тақозоси билан Жумавой билан бир хонада ишлай бошлаганимга мана икки ҳафтадан ошди. Бу идорадаги ходимлар орқаворатдан уни «Чалавой» дейишаркан. Дастлабки пайтларда Жумавойга лақаб қўйилгани менга жуда эриш туюлди. Ахир, ҳозир лақаб тўқийдиган замонми?! Лақаб тўқиш эскилик сарқити эмасми? Тағин устига-устак, шундай салобатли, важоҳатли йигитга «Чалавой» деб лақаб тўқиш мантиққа ҳеч мос эмаску! Янги ҳамкасбларимнинг оғзидан «Чалавой шу ердами», «Чалавой кўринмайди», «Чалавойни бошлиқ чақираяпти» деган гапларни эшитганимда, улардан аччиқланиб юрдим. Ҳатто, лақаб тўқишда ҳам сал мулоҳаза қилиш керак-да, деб уларни ўзимча койиган бўлдим.

Йўқ, икки-уч кун ичидаёқ, янги ҳамкасбларимнинг гапида жон борлигини мен ҳам пайқадим. Боя айтган эдим шекилли, Жумавой билан ҳар куни саккиз соат бир хонада ўтирамиз. Ишдан бўш пайтларда, албатта, суҳбатлашамиз. Бусиз ишлаб бўлармиди, ахир! Тушда биргалашиб овқатга борамиз. Йўлимиз ҳам бир, кечқурун бирга трамвайда уйга қайтамиз. Баъзи кунлари эса эрталаблари ҳам трамвайда учрашиб қоламиз! Ҳамкасблик экан-да, ҳатто биргалашиб янги ҳинд фильмларини томоша қилдик. Шундай қилиб, унинг «Чалавой»лиги менга ҳам аён бўлди. Қай тарзда дейсизми?

Марҳамат, эшитинг.

Жумавой овқат ичса, ҳамиша косада икки қошиқ қолдиради. Шундай қилишга одатланиб қолган экан.

Чой ичса, пиёлада бир хўпламдан қолдираверади ва теварак-атрофга сепавериб, ҳаммаёқни шилта қилади. Бу ҳам унга одат.

Суҳбатда албатта гапни бўлади. Мажлисда нотиққа албатта луқма ташлайди. Шундай қилса, мажлисда зерикмас эмиш.

Ўттизни уриб қўйибди-ку, ҳалигача бирор китобни тўла ўқимаган экан.

Газеталарнинг фақат тўртинчи саҳифасига назар ташлайди.

Трамвай тўхтаб улгурмасиданоқ ҳайдовчига «Эшикни оч» дея тиқилинч қилади.

Эшиттирилаётган куй-қўшиқ ўзига ёқмаса, хонамиздаги радиони шартта ўчириб қўяди. Мен тинглаётганим билан иши йўқ. Ҳатто, буни хаёлига ҳам келтирмайди, мулоҳаза қилишни билмайди.

Кинотеатрга борганимизда, фильм тугамасиданоқ ўрнидан туриб олади. Орқамизда ўтирганларни тўсиб қўйгани билан иши бўлмайди.

Ўзингиз ўйлаб кўрингчи, шундай одамни «Чалавой» дейиш мумкинми-йўқми?! Ҳа, мумкин. Лекин орқаворатдан эмас, шартта юзига айтиш керак. Фақат шундагина Жумавой «чалавой»ликдан қутулиши мумкин. Акс ҳолда «чалалиги» ошаверади.

Куни кеча у менга «Уйланмоқчиман» деб қолди. У қандай уйланаркин...

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.**

## СКАНВОРД




Тузувчи: **Файзулла АБДУЛЛАЕВ.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 233-90-82, 236-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 11166. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясибосмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 6 7 8